

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил июнь ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Қарши туман суди, Қарши тумани “Бодомзор” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси О.Шукуровнинг раислигида, судья ёрдамчиси З.Ниёзовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Қарши туман прокурорининг ёрдамчиси А.Жабборов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат Р.Тухтаева, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат М.Лутфуллаев, жабрланувчи [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] нисбатан 1-1802-2201/89-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] – 1988 йил 28 июнда Қарши туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламайди, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Қарши тумани, “Кожор” МФЙ Кожор қишлоғида яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 23 май куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми ва 140-моддасининг 1-қисми билан айбланган;

[REDACTED] – 1991 йил 5 март куни Қарши туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, Қарши туман тиббиёт бирлашмасида ҳамшира бўлиб ишлайди, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Қарши тумани, “Кожор” МФЙ Кожор қишлоғида яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 23 май куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми ва 140-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED] муқаддам жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 05.08.2021 йилдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ҳамда 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбдор деб топilib, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги жарима жазоси тайинланганлигидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан,



2022 йил 19 март куни соат 16:30 ларда турмуш ўртоғи [REDACTED] билан яраштириш учун маҳалла фаоллари томонидан Қарши тумани, “Кожор” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносига чақиртирилганда ўзаро тортишиб қолишган вақтида 2014 йилда туғилган вояга етмаган [REDACTED] итариб юбориши натижасида уни соғлиғини қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келмаган энгил тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлган.

СТЭБнинг 04.04.2022 йилдаги 741/79 Ған сонли хулосасида, вояга етмаган [REDACTED] танасида бошини энса соҳаси чап томонини қонталаш кўринишидаги жароҳати аниқланганлиги унинг танасида аниқланган ушбу жароҳати шу соҳага ўтмас қаттиқ жисмни бевосита таъсир этиши натижасида етказилганлиги, бундай жароҳатлар соғлиқнинг бузилиши давомийлиги мезонига кўра олти кундан ортиқ бўлмаган, озгина, тез ўтиб кетувчи оқибатли бўлиб шу белгисига биноан оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган энгил тан жароҳатлар гуруҳига киритилиши кўрсатилган.

Бундан ташқари, [REDACTED] муқаддам жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 05.08.2021 йилдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ҳамда 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбдор деб топilib, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридagi жарима жазоси тайинланганлигидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, 2022 йил 19 март куни соат 16:30 ларда турмуш ўртоғи [REDACTED] билан яраштириш учун маҳалла фаоллари томонидан Қарши тумани, “Кожор” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносига чақиртирилганда ўзаро тортишиб қолишган вақтида 2015 йилда туғилган вояга етмаган фарзанди [REDACTED] итариб юбориши натижасида уни соғлиғини қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келмаган энгил тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлган.

СТЭБнинг №769/48 Бўт сонли хулосасида, [REDACTED] танасида ўнг қулоқ юмшоқ юқори соҳасида шилинма кўринишидаги жароҳатлари аниқланганлиги, унинг танасида аниқланган ушбу жароҳатлари шу соҳага ўтмас-қаттиқ жисмни бевосита таъсири натижасида етказилган бўлиб, бундай жароҳатлар соғлиқнинг бузилиши мезонига кўра 6 кундан ортиқ бўлмаган, озгина, тез ўтиб кетувчи оқибатли бўлиб, шу белгисига биноан оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган энгил тан жароҳатлар гуруҳига киритилиши кўрсатилган.

Шунингдек, [REDACTED] муқаддам жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 05.08.2021 йилдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ҳамда 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбдор деб топilib,



базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги жарима жазоси тайинланганлигидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, 2022 йил 19 март куни соат 16:30 ларда турмуш ўртоғи [REDACTED] билан яраштириш учун маҳалла фаоллари томонидан Қарши тумани, “Кожор” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносига чақиртирилганда ўзаро тортишиб қолишиб, [REDACTED] “сени ўзинг фоҳишасан” деган ҳақоратомуз сўзлар билан уни шаъни ва қадр қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб ҳақорат қилган.

Судланувчи [REDACTED] муқаддам жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 05.08.2021 йилдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ҳамда 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбдор деб топилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жарима жазоси тайинланганлигидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, 2022 йил 19 март куни соат 16:30 ларда турмуш ўртоғи Косимов Ўктам Рустамович билан яраштириш учун маҳалла фаоллари томонидан Қарши тумани, “Кожор” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносига чақиртирилганда, ўзаро тортишиб қолишиб, [REDACTED] чап қош қисмига бир маротаба ўнг қўлининг мушти билан уриб уни соғлиғини қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келмаган енгил тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлган.

Вилоят СТЭБнинг 04.04.2022 йилдаги 742/80-Ға-сонли хулосасида [REDACTED] танасида чап қош соҳасини қонталаши кўринишидаги жароҳати аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳати оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳатлар гуруҳига киритилиши кўрсатилган.

Бундан ташқари, [REDACTED] муқаддам жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 05.08.2021 йилдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ҳамда 52-моддаси 2-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбдор деб топилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жарима жазоси тайинланганлигидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан 2022 йил 19 март куни соат 16:30 ларда турмуш ўртоғи [REDACTED] билан яраштириш учун маҳалла фаоллари томонидан Қарши тумани, “Кожор” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносига чақиртирилганда ўзаро тортишиб қолишиб, [REDACTED] “фоҳишани боласи”, “хароми” деб, шунингдек ўз фуқаролик бурчини бажариш учун уларни олдига ажратишга борган қайнакаси [REDACTED] ҳам “фоҳишани боласи, хароми” деб ҳақоратомуз сўзлар билан шаъни ва қадр қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб ҳақорат қилган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига қисман иқрорлик билдириб, судланувчи [REDACTED] турмуш ўртоғи экани, у билан 2014



йилда турмуш қуриб бирга яшаб келгани, ўрталаридаги никоҳларидан 2 нафар қиз фарзанди борлиги, турмушлари давомида [REDACTED] билан ўзаро оилавий келишмовчиликлари туфайли жанжаллар бўлиб тургани, шу оилавий жанжаллари туфайли 2021 йил август ойида суд томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ва 52-моддасининг 2-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, жарима тўлагани, 2022 йил 19 март куни оилавий жанжалларини ўзлари яшайдиган Қарши тумани, “Кожор” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари томонидан муҳокама қилиш учун маҳалла идорасига чақирилгани боис у ерга акаси [REDACTED] билан бирга боргани, оилавий жанжаллари маҳалла фаоллари томонидан муҳокама қилинаётган вақтда [REDACTED] уни фоҳишани боласи”, “хароми” деб ҳақорат қилиб, юз соҳасига муштлаб уриб тан жароҳати етказгани боис жаҳл устида ўзи ҳам [REDACTED] ҳақорат қилиб, унинг ёнида бўлган вояга етмаган қизлари [REDACTED] ва [REDACTED] итариб юборгани оқибатида уларга тан шикасти етказилгани, воқеа жойида бўлган акаси [REDACTED] жанжални ажратмоқчи бўлгани турмуш ўртоғи [REDACTED] уни ҳам уятли сўзлар билан ҳақорат қилгани, турмуш ўртоғи билан ярашишни хоҳламаслиги, қилмишидан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, оилавий аҳволини ҳисобга олиб енгиллик беришни сўради.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига қисман иқрорлик билдириб, судланувчи [REDACTED] турмуш ўртоғи экани, у билан ўзаро оилавий келишмовчиликлари туфайли бир йилдан ортиқ вақт давомида ота-онасини уйида яшаб келаётгани, оилавий жанжаллари туфайли 2021 йил август ойида суд томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси ва 52-моддасининг 2-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилгани, 2022 йил 19 март куни оилавий жанжаллари ўзлари яшайдиган Қарши тумани, “Кожор” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари томонидан муҳокама қилинаётганда турмуш ўртоғи [REDACTED] билан ўзаро тортишиб қолиб, бир-бирларини ҳақорат қилгани, турмуш ўртоғи ва унинг акаси [REDACTED] вояга етмаган фарзандлари [REDACTED] итариб юбориши оқибатида уларга тан жароҳати етказилгани сабабли ўзи ҳам турмуш ўртоғи [REDACTED] юз қисмига қўли билан ургани, қайнақаси [REDACTED] жанжалга аралашиб уни ургани, илгари ҳам бир неча марта урган ҳолатлари бўлгани, лекин ўша куни қайнақасини ҳақорат қилмагани, ижара уйда яшаб 2 нафар фарзандини ёлғиз ўзи моддий таъминлаб тарбиялаб келаётгани ҳақида кўрсатув бериб, оилавий аҳволини ҳисобга олиб енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида, судланувчи [REDACTED] укаси, [REDACTED] укасининг турмуш ўртоғи экани, 2022 йил 19 март куни укаси Ў.Қосимов ва унинг турмуш [REDACTED] оилавий можаролари ўзлари яшайдиган “Кожор” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари томонидан муҳокама қилинаётган вақтда ўзи ҳам ўша ерда



бўлгани, [REDACTED] укаси [REDACTED] уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, унинг юз қисмига муштлаб уриб юборгани, ўзи уларни ажратмоқчи бўлганида [REDACTED] уни ҳам “фоҳишани боласи, хароми” деб уятли сўзлар билан ҳақорат қилгани ҳақида кўрсатув бериб, [REDACTED] нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида жабрланувчи [REDACTED] турмуш ўртоғи эканини баён қилиб, унинг кўрсатувиغا ўхшаш мазмунда кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, 2022 йил июн ойига қадар Қарши туман “Кожор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаб келгани, 2022 йил 19 март куни маҳалла идорасида маҳалла фаоллари иштирокида эр-хотин [REDACTED] ва [REDACTED] оилавий низолари муҳокама қилинаётган вақтда [REDACTED] уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, унинг юз қисмига муштлаб уриб юборгани, [REDACTED] ҳақорат қилиб, унинг ёнида бўлган 2 нафар вояга етмаган фарзандлари итариб юборгани, [REDACTED] акаси [REDACTED] уларни ажратмоқчи бўлганида [REDACTED] уни ҳам уятли сўзлар билан ҳақорат қилгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, 2022 йил июн ойига қадар Қарши туман “Кожор” маҳалла фуқаролар йиғини раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келганини баён қилиб, гувоҳ [REDACTED] кўрсатувиغا ўхшаш мазмунда кўрсатув берди.

Судланувчилар [REDACTED] айби жабрланувчи [REDACTED] кўрсатуви, ариза ва тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, суд тиббий экспертизаси хулосалари билан ўз исботини топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] муқаддам соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келмаган қасддан баданга энгил шикаст етказганликда маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг жабрланувчи [REDACTED] уриб, унинг соғлигининг қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келмаган қасддан баданга энгил шикаст етказиш ҳамда муқаддам ҳақорат қилганликда маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг [REDACTED] ҳақорат қилганликдан иборат жиноий ҳаракатлари ЖК 109-моддасининг 1-қисми ва 140-моддасининг 1-қисми билан;

судланувчи [REDACTED] муқаддам соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келмаган қасддан баданга энгил шикаст етказганликда маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг Ў.Косимовни уриб, унинг соғлигининг қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келмаган қасддан баданга энгил шикаст етказиш ҳамда муқаддам ҳақорат қилганликда маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг ўз фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан жабрланувчи



■ ҳақорат қилганликдан иборат жиноий ҳаракатлари ЖК 109-моддасининг 1-қисми ва 140-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги № 1-сонли Қарорининг 16-бандида жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозимлиги, бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек қарамоғида вояга етмаганлар фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инобатга олиниши лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги раҳбарий тушунтиришларга асосан судланувчи ■ жазо тайинлашда унинг қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унга қонун санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни, эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни;

шунингдек, судланувчи ■ жазо тайинлашда унинг шахсини, муқаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, аёл киши экани ва қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандини ёлғиз ўзи тарбия қилаётганини ҳисобга олиб, ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда жарима жазоси тайинлашни, эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

■ Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми ва 140-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида 4.050.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида 4.050.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида 5.400.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.



Эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми ва 140-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида 2.700.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддаси 3-қисмининг “а” банди ЖК 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида 2.700.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 баравари миқдорида 3.240.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 20 сутка ичида шу туман суди орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

О.Шукуров

